

## МЕТОДЫ ПРОФИЛАКТИКИ И ПРИМЕНЕНИЯ ВИТАМИНА D ПРИ РАХИТЕ У НЕДОНОШЕННЫХ ДЕТЕЙ



Жалилов Аслиддин Холматович, Мустаева Гулистан Бурибаевна, Ачилова Феруза Ахтамовна,  
Восеева Диляфруз Хусеновна

Самаркандский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Самарканд

## ЧАЛА ТУГИЛГАН БОЛАЛАРДА РАХИТ КАСАЛЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ВИТАМИН D НИ ҚҮЛЛАШ УСУЛЛАРИ

Жалилов Аслиддин Холматович, Мустаева Гулистан Бурибаевна, Ачилова Феруза Ахтамовна,  
Восеева Диляфруз Хусеновна

Самарқанд давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

## METHODS FOR PREVENTION AND APPLICATION OF VITAMIN D FOR RACHITIS IN PREMATURE CHILDREN

Jalilov Asliddin Xolmatovich, Mustaeva Gulistan Buribayevna, Achilova Feruza Akhtamovna,  
Voseeva Dilafruz Khusenovna

Samarkand State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: [asliddin.jalilov@sammi.uz](mailto:asliddin.jalilov@sammi.uz)

**Резюме.** Мақолада чала туғилған болаларда рахитни учраши тезлиги ҳақидағы маңлумоттар көлтирилған. Рахит ривожланиши тезлиги түлік, ўз вақтида туғилған болаларга нисбатан чала туғилған чақалоқтарда сезиларлы даражасада ошындылығы, бұзилиши хусусиятлари, шунингдек, перинатал ва антенатал патология билан бөглиқдір. Чала туғилған чақалоқтарда D витаминининг профилактикалық және терапевтик дозалари масалалары уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобға олған ҳолда мұхоказа қилинади.

**Калит сүзлар:** рахит, чала туғилған чақалоқтар, D витамины, остеопения.

**Abstract:** The article presents data on the frequency of rickets formation in premature babies, which is significantly increased compared to the level in full-term babies, which is due to the morphofunctional immaturity of organs and systems, adaptation features, as well as perinatal and antenatal pathology. The issues of prophylactic and therapeutic doses of vitamin D in premature infants are discussed, taking into account their individual characteristics.

**Key words:** rickets, premature babies, vitamin D, osteopenia.

**Долзарбилиги.** Чала туғилған чақалоқтарда рахит күзатилиши мултифакториал қасаллық ҳисобланиб, чала туғилған чақалоқтарда күп органдар ва тизимлар морфологик ва функционал фаолияти түлік етилмаслиғи билан клиник, биокимөвий, морфологик ва рентгенологик белгилари симптомокомплекси билан намоён бўлиб, фосфор-кальций метаболизми ва сүяклар минерализацияси бузилиши билан характерланади [1, 2, 6]. Бошқача қилиб айтганда, чала туғилған чақалоқтар рахити сүяк тўқимасининг минерализацияси ва кальцификацияси етилмаслиғи натижасида келиб чиқкан остеопения ҳолати сифатида аниқлаш мүмкин. Барча чала туғилған чақалоқтар орасида бу қасалликнинг частотаси 15

дан 70% гача, тана вазни жуда паст бўлған янги туғилған чақалоқлар орасида эса 100% ҳолларда аниқланади. Тана вазни 1500 г дан кам бўлған чала туғилған чақалоқларда рахит билан қасалланыш - 40 %, тана вазни 800 г дан кам бўлған - 70 % ни ташкил этади [1, 3, 4]. Остеопения клиник жиҳатдан намоён бўлмаслиги мумкин, лекин у кўпинча рахит билан биргаликда күзатилади. Остеопениянинг қуйидаги турлари фарқланади: Остеопороз- организмнинг тизимли қасаллиги ҳисобланиб, сүяк массаси камайиши ва сүяк тўқималарининг архитектоникасининг микробузилиши билан характерланади. Натижада бу ҳолат сүяклар мўртлашишига ва сүяк синишларига мойилликнинг ошишига олиб келади.

Остеомаляция - сүяк тўқимаси бирлигидан минерал компонент ҳажми камайиши, номинерал органик матрикс тўпланишидир. Бунда сүяклар қаттиқлиги ва зичлиги йўқолади, сүякларнинг деформацияга мойиллиги ошади.

Фиброз-кистоз остит-сүяк тўқимаси резорбциясининг кучайиши, унинг фиброз-ретикуляр тўқимага алмасиши билан характерланади. Бу холат асосан гиперпаратироидизм касаллигига қайд этилади. Чала туғилган чақалоқларда остеопения уларда калций захиралари ўз вактида туғилган чақалоқларга нисбатан камроқ бўлиши билан характерланади. Чала туғилган чақалоқларда сүяк нуқсони асосан сүякларда минерал компонентнинг камлиги билан боғлик [4, 5, 7]. Болаларниң чала туғилиши онадан ҳомилага Са ва фосфорнинг энг жадал қабул қилиниши ҳомиладорликнинг охирги ойларида (ҳомиладорликнинг 26 ҳафтасидан ҳомила организмида Са нинг кўпайиши суткасига 100-120 мг/кг, Р - 60 мг/кг стукасига, 36 ҳафтадан эса Са - 120-150 мг/кг, Р - 85 мг/кг) рўй бериши туфайли рахитнинг ривожланишига мойиллик яратади. Сўнгги йилларда витамин D ва унинг фаол шаклларининг физиологик роли ҳақида янги маълумотлар пайдо бўлди, бу ундан оқилона фойдаланиш учун, айниқса, муддатидан олдин туғилган болаларда рахитнинг олдини олиш ва даволаш учун жуда муҳимдир. Замонавий концепцияга кўра, D витамини жуда фаол бирикма бўлиб, унинг таъсири ҳужайраларнинг ген аппаратига сигналларни узатадиган ва Са ионлари учун функционал транспорт вазифасини бажарувчи оқсиллар синтезини бошқарадиган генларни фаоллаштирадиган махсус ядро рецепторлари билан воситаланади [4, 8, 9, 10].

Витамин D кальций гомеостаз вазифасини бажариш учун жигар ва буйракларда 25-гидроксивитамин d3 - vitamin D Знинг жигар метаболити ҳосил бўшлиши керак. Бу vitamin D 3 организмининг витамин D билан таъминланганлигининг асосий кўрсаткичи ҳисобланаб, vitamin D 3 буйрак метаболити унинг асосий биологик таъсирини белгилайди.

**Тадқиқот мақсади:** чала туғилган чақалоқларда рахит касаллигига D витаминини кўллаш усувларини ўрганиш

**Тадқиқот материали:** кузатув остига рахит билан касалланган 30 нафар бемор (0-12 ойлик) олинди.

**Тадқиқот усувлари:** анамнестик, клиник, лаборатор. Барча беморларга умумий қон таҳлили, умумий сийдик таҳлили, умумий ахлат таҳлили, конда Са миқдорини аниқлаш, қон биокимёси таҳлили ўтказилди.

**Тадқиқот натижалари:** кузатув остидаги болалар 2 гурухга бўлинди. Асосий гурух муддатидан олдин туғилган 15 (50%) нафар, назорат гурухи ўз муддатидаги туғилган 15 (50%) нафар бо-

лалардан иборат. Асосий гурухдаги болалар тана вазни етишмовчилиги бўйича З гурухга тақсимланди: енгил даража (2500-2000 граммгача), ўртача даража (2000-1500 граммгача), оғир даража (1500-1000 граммгача), ўта оғир даража (1000 граммдан паст).

Асосий гурухдаги чала туғилган чақалоқлар ҳолатини ўрганишда калций-фосфор алмаси-нуванинг муайян хусусиятлари аниқланди: болалар хаётининг биринчи ҳафтасида қон зардобида Са миқдорининг пасайиши (Са даражасининг пасайиши гестация даврига тескари пропорционал), кальцитонин даражасининг тўлқинсимон кўтарилиши ва паратиреоид гормонга буйраклар сезув-чанлигининг шаклланиши кечикиши фонида тез содир бўлади. Тадқиқот давомида чала туғилган чақалоқларда сийдикда Са нинг чиқарилиши ўз вактида туғилган чақалоқларга нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Эмизикли даврда Са (15-20% гача) ва Р (30-35%) сўрилиши ва ўзлаштирилиши камайиши кузатилди. Қонда остеокальцын даражасининг ошиши, паратиреоид гормон даражасининг пасайиши ва чала туғилган чақалоқлар ичакларидан Са сўрилишининг бузилиши билан изоҳланади. Витамин D етишмаслиги ичакда Са миқдорининг пасайишига, гипокальциемия келиб чиқишига, сүяк минерализациясининг бузилишига ва иккиласми гипопаратиреоз ривожланишига (бу гипофосфатемияни келтириб чиқаради, бу холат эса минерализациянинг бузилишига олиб келади) сабаб бўлади. Натижада сүяк тўқимасининг деминерализацияси ва резорбциясига олиб кела-ди.

Одатда, чала туғилган чақалоқларда рахит касаллиги ноадекват ташки муҳит шароитида бола организмининг етилиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларига боғлик, организмнинг морффункционал етилмаслик фонида ривожланади. Ҳомиланинг она қорнида ривожланиш даврида чала туғилган чақалоқларда D витамини, минерал моддалар етарли тўпланмайди ва сүяк тўқимаси структураси етарли шаклланмайди. Бу фосфор-кальций метаболизмини тартибга солиш тизимларининг етилмаганлиги ва ёғ резорбциясининг пасайиши билан боғлик. Бола организми интенсив ўсиши натижасида Са, Р ва D витаминига эҳтиёж ортади. Шу билан бирга, чала туғилган чақалоқларда сүяк ўсиши ва оссификациянинг юқори суръатлари қайд этилиб, бу бола организмига калций ва фосфор тузларини етказиб беришда диспропорцияга сабаб бўлади. Натижада бола танасида уларга бўлган эҳтиёж ортади. Рахитнинг ривожланиши сүяк тўқимасида коллаген структураларнинг етилмаслиги, сүяклар минерализацияси сусайиши ҳамда буйрак каналчаларида фосфатлар реабсорбцияси камайиши фонида содир бўлади. Чала туғилган чақалоқларда рахит ривожланишига олиб келувчи хавф омилларига

куйидагилар киради: туғилғанда тана вазни камбўлиши, турғун ацидоз, нафас олиш бузилишининг узоқ муддатли кечиши синдроми, узоқ муддат парентерал озиқланиш, бронхопулмонал дисплазия, энтеропатия, ҳомиладорлик даврида D витамини тушиши камайиши, эрта неонатал даврда дори воситаларини буюриш (талвасага қарши, диуретиклар ва бошқа дорилар), мослаштирилмаган аралашмалар билан озиқлантириш, калций ва фосфорнинг озиқ моддалари билан етарли тушмаслиги, кўкрак сути билан озиқлантиришда D витаминини профилактик буюрмаслик, жигар, буйрак, тери, ошқозон-ичак тракти фермент тизимининг етилмаганлиги, жигар, буйракда D витаминининг фаол метаболитлари ҳосил бўлишининг бузилиши ва бошқалар. Рахит касаллиги клиник кўринишлари ҳаммага яхши маълум ва касалликнинг оғирлигига боғлиқ. Тадқиқот давомида асосий гурухдаги болаларга D витаминини буюришда биз юқоридаги омилларга эътибор қаратдик.

Асосий гурухдаги болаларда рахит касаллиги енгил даражасида остеомаляция белгилари кузатилди: катта лиқилдоқ қирралари чўкиши ва бош суюгининг чоклари очилиши (17,8%), остеопения (13,4%), тана вазни етишмовчилиги (38,5%), лиқилдоқнинг кеч битиши (30,3%) аниқланди. Кузатувдаги болалардаги касалликнинг ўрта оғир даражасида остеоид гиперплазия (12,6%), мушаклар гипотонияси (26,7%), болалар оёққа тура бошлаганда оёқлар деформацияси (27,8%), тана вазни етишмовчилиги (32,9%) кузатилди. Лаборатория текширувларида ўртача гипокальциемия, оғир гипофосфатемия ва қонда ишқорий фосфатаза даражасининг сезиларли даражада ошиши аниқланди. Рентгенологик ўзгаришлардан, метафизар ёриқ кенгайиши ва нотекислиги, сук жиҳози деформацияси, суюкланиш ядрои нотекислиги, остеопения ёки остеопороз аниқланди. Кузатув остидаги болаларда рахит касаллигининг оғир шаклида остеоид гиперплазия (2,6%), скелет деформацияси (3,4%), мушаклар гипотонияси (33,4%), статик функцияларнинг кеч шаклланиши (23,4%), кўп аъзоларнинг дисфункцияси (11,3%), тана вазнининг оғир етишмовчилиги (25,9%) қайд этилди. Қон зардобида гипокальциемия ва гипофосфатемия аниқланди, ишқорий фосфатаза фаоллигининг сезиларли даражада ошиши кузатилди. Бу гурухдаги болаларда рентгенологик ўзгаришлар янада кучайди: рахитик метафиз, "яшил новда" типидаги сук синишлари, остеопороз кузатилди (14,5%). Тадқиқот давомида кузатув остида бўлган чала туғилған чақалоқларда рахит касаллигининг қуйидаги хусусиятлари кузатилди: чала туғилғанларда касалликнинг эрта

бошланиши (39,8%) қайд этилди. Уларда краниотабес-2,4%, чакка соҳасининг маҳаллий остеомаляцияси-1,8%, сагиттал текисликда бош суюгининг зичлашиши-2,7%, катта лиқилдоқнинг кенгайиши-33,2%, кичик лиқилдоқнинг очиқлиги-1,6%, чала туғилған чақалоқларда энса суюгининг яссиланиши-35,6%, ўрта даражада ифодаланган рахитик чўткалар-14,3%, вегетатив бузилишлар-8,4% кузатилди. Адабиётларда рахит касаллигига қонда қуйидаги ўзгаришлар қайд этилган: гипофосфатемия (1,5 ммоль/л дан паст); анорганик фосфорнинг концентрацияси бола ҳаётининг 3-ҳафтаси охирига бориб ортиши ва 1,5 ойликкача давом этиши; ишқорий фосфатаза миқдори ошиши. Гипокальциемия (постнатал ёш ортиши билан Са концентрацияси ортади, ўз вақтида туғилған чақалоқларга кўрсаткичларига етмайди) аниқланади. Шунингдек, остеокальцин ёки паратгормон миқдори ортади. Бизнинг кузатувларимизда чуқур чала туғилған чақалоқларда гипофосфатемия ва гипокальциемия ҳолати бола ҳаётининг 9-12-ҳафтасигача ушланиб туриб, шундан кейин уларнинг концентрациясининг ошиши аниқланди. Сийдик анализида яққол кальциурия аниқланади (сийдикда Са нинг ажралиши рационда қабул қилинган Са миқдорига сезиларли боғлиқ эмас), бироқ фосфор бўлмайди (12,6%). Ҳомиладорликнинг 32-ҳафтасигача бўлган муддатда туғилған болаларда гиперкальциурия (1,39-1,53 ммоль/л) бутун неонатал давр мобайнида сақланиб қолиши ва қон зардобида гидроксивитамин D даражасининг пасайиши билан кузатилди. Муаллифлар фикрига кўра, чала туғилған болаларда рахит касаллигига фосфор-креатинин ва калций-креатинин кўрсаткичларининг миқдори паст бўлиши аниқланган. Боланинг ҳомиладорлик ёши қанчалик паст бўлса, фосфор-креатинин даражаси шунча паст бўлиши ва калций-креатинин даражаси шунча юқори бўлиши айтиб ўтилган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, антенатал даврда рахитнинг олдини олиш жуда муҳимдир: ҳомиладор аёл организмига етарли миқдорда кальций, фосфор, D витамины тушиши учун кун ва тун давомида етарли уйқуга тўйиши, кундалик тартибга риоя қилиши, кунига камиди 2-4 соат тоза ҳавода юриши, ҳомиладор аёлнинг рационал овқатланиши муҳим. Калцийнинг энг яхши озиқовқат манбаи сут маҳсулотлари (пишлок, сут, кефир, творог) ҳисобланади. Сут ўрнига ҳомиладор аёллар учун мўлжалланган маҳсуслаштирилган сут ичимликларидан фойдаланиш тавсия этилади. Бу маҳсулотлар ҳомиладор аёл ва ҳомилада фосфор-кальций алмашинуви бузилишининг олдини олади. Бундай ичимликлар бўлмаганда витамин-минерал комплексларни тавсия қилиш мумкин. D

витамиини манбаси: треск, тунец балиғи жигари, балиқ ёғи, кам микрорда-сариёг, тухум сарифи, сут. Ҳомиладор аёлларга ҳомиладорликнинг 32-ҳафтасидан бошлаб, қиши-баҳор даврида (ноябрдан майгача) 8 ҳафта давомида 400-500 МЕ дозада D витамиини буюрилиши керак. Экстрагенитал патологияси мавжуд барча ҳомиладор аёлларга (гестоз, қандли диабет, гипертония, ревматизм, семизлик ва бошқалар.) ҳомиладорликнинг 28-32- ҳафтасидан бошлаб, йил вактидан катын назар, 400-500 МЕ дозада 8 ҳафта давомида D витамиини буюриш керак. Гиповитамииноз хавфи мавжуд бўлган ҳомиладор аёллар учун (корамагиз, ҳамроҳ касаллиги мавжуд, антиконвулсантлар қабул қилиб юрувчилар) бу дозани 800 МЕ га ошириш мумкин. Олиб борилган тадқиқотлар ҳомиладорлик даврида кальций қўшимчаларидан фойдаланиш кераклигини кўрсатди. Шунинг учун уларнинг дозаси қабул қилинаётган D витамиини нисбати билан тенг бўлиши керак. Чунки кальций препаратининг ортиқча бўлиши интоксикацияга олиб келади. Постнатал рахит профилактикасида чала туғилган болаларни сунъий озиқлантириш пайтида таркибида Ca ва P микрори чақалоқ эҳтиёжига жавоб берадиган мослаштирилган аралашмаларни тайинлашдан иборат (овқат таркибидаги Ca:P микрори сўрилиш учун оптималь нисбатда 1: 1,5 -2,0 бўлиши керак). Чақалоқларни табиий озиқлантириша кўкрак сути фортификаторлари ёки 60 мг / кг Ca ва фосфор учун 30 мг / кг микрорида қўшимча минералларни қўшимча тайинлаш лозим. Фосфорнинг чала туғилган чақалоқка қўшимча киритилишининг асосий кўрсатмаси қон зардобида унинг 1,5 ммол / л дан паст бўлиши ва Ca нинг суткалик экскрецияси 6 мг / кг дан ошиши ёки Ca:P нисбати сийдикда 1 дан ортиқ бўлишидир. Факат Ca тайинланиши калциурияниң кучайишига ва нефрокальциноз пайдо бўлиш хавфига ривожланишига олиб келиши мумкин. Кузатув давомида чала туғилган чақалоқларда рахитнинг тугруқдан кейинги ўзига хос профилактикасида қўйидагича даво тайинланди: тана вазни етишмовчилигининг 1-даражасида D витамиини бола хаётнинг 10-14 кунидан бошлаб ҳар куни 400-1000 МЕ да 2 йил давомида буюрилди. Тана вазни етишмовчилигининг 2-даражасида йил давомида ҳар куни 1000-2000 МЕ; 2 йилдан бошлаб дозаси кунига 400-1000 МЕ га камайтириб борилди. Бундай патогенетик ёндашув даво самарадорлигининг ошишига олиб келди (97%). Тана вазни етишмовчилиги ўта оғир даражаси билан туғилган кўкрак сути билан озиқланадиган (30 ҳафтадан кам муддатда туғилган) болаларга қўшимча фортификатор моддалар ёки кальций (кальций глуконат, кальций глицерофосфат ва бошқалар) ва фосфор

тузлари (натрий фосфат, калий фосфат ва бошқалар) буюрилди. Адабиётлардан маълумки, чала туғилган чақалоқлар учун D витамиининг юкори профилактик дозаларини тайинлаш тенденцияси ҳозирги кунда ишончли илмий далилларга асосланмаган ва гипервитамииноз ривожланиш хавфи катта. Рахитнинг носпектифик давоси – касалликни даволашда бу жуда муҳим таркибий қисм ҳисобланади. Шу боис, кузатув остидаги болаларда етарли жисмоний фаоллик ва дам олиш тартибини тўғри ташкил этиш, тоза ҳавода сайр қилиш, липидлар оксидланишини нормаллаштириш ва ҳужайра биомембраналарини барқарорлаштириш максадида антиоксидантларни тайинлаш (витамин A, E), организмдаги метаболик жараёнларни яхшиладиган дори-дармонларни тайинлаш (левокарнитин ва бошқалар) даволаш самарадорлигини ошириди (67,8%). Бундан ташқари, дори терапияси бошлангандан 2 ҳафта ўтгач болаларга физиотерапия машқлари ва массаж тавсия этилди. Бизнинг маълумотларимиз адабиётдаги маълумотлар билан мос келади. Рахит касаллигининг специфик давоси D 3 витамиини (холекальциферол сувли ёки мойли эритмаси, 500 МЕ 1 томчи шаклида) ёки D 2 витамиини (эргохолекальциферол - ёғ эритмаси) буюриш орқали амалга оширилди. D витамиининг терапевтик дозалари ҳозирга қадар муҳокама қилинмоқда. Одатда D витамиини 2500-5000 МЕ дозада (оптималь доза 2000-4000 МЕ) буюрилади. Сўнгра дозани босқичма-босқич ошириб, индивидуал терапевтик дозага ўтказилади, у 30-45 кун давомида қўлланилади, сўнгра бу доза профилактик дозагача (500 МЕ) камайтирилиб, 2-3 йилгача ҳар куни буюрилади. D витамиини дозаси, рахит касаллиги оғирлик даражаси боғлиқ кунига 1000-1500 дан 3000-4000 МЕ/суткагача тавсия этилади. Чала туғилган чақалоқлар учун D витамиини дозаси бола ёшига, етуклик даражасига, вазнига, метаболизм даражасига қараб индивидуал танлаш жуда муҳимдир.

**Хулоса:** Шундай қилиб, чала туғилган чақалоқларда рахит жуда тез ривожланиди, белгилари тез намоён бўлади, оғирроқ кечади, клиник белгилари ва лаборатория маълумотлари аниқ ифодаланган бўлади, кўпинча остеопения билан бирга кечади. Бу ҳолат бола организми аъзолари ва тизимларининг морбофункционал етилмаганлиги билан боғлиқ. Шу боис, чала туғилган чақалоқларда рахитнинг олдини олиш учун D витамиини дозасини қатый равишда индивидуал танлаш ва ўз вақтида бериш керак.

#### Адабиётлар:

- Lee S.M., Namgung R., Park M.S., Eun H.S., Park K.I., Lee C. «High incidence of rickets in extremely

- low birth weight infants with severe parenteral nutrition-associated cholestasis and bronchopulmonary dysplasia". J. korean med. 2012; 27 (12): 1552-5.3.
2. Мальцев С.В., Шакирова Э.М., Архипова Н.Н. «Витамин D, кальций и фосфаты у здоровых детей и при патологии». Казань; 2012, 157-163.
  3. Новиков П.В. «Рахит и наследственные рахитоподобные заболевания у детей». М.; 2006.6, 83-90.
  4. Pettifor J.M. «Vitamin D and/or calcium deficiency rickets in infants and children: a global perspective». Indian J. 2008; 127: 245-9.8.
  5. Norman A.W. «From vitamin d to hormone vitamin D fundamentals of the vitamin endocrine system essential for good health». Am. J. clin. Nutr. 2008; 88 (2): 491-9.
  6. Vignochi C.M., Silveira R.C., Miura E., Canani LH., Procianoy R.S. «Physical therapy reduces bone resorption and increases bone formation in preterm infants». Am. J. perinatol. 2012; 29 (8): 573-8.
  7. Захарова И.Н., Коровина Н.А., Дмитриева Ю.А. «Роль метаболитов витамина D при рахите у детей». Педиатрия. 2010; 89 (3): 68-73.
  8. Спирчев В.Б. «О биологических эффектах витамина D». Педиатрия. 2011; 6: 113-9.
  9. Захарова И.Н., Яблочкива С.В., Дмитриева Ю.А. «Известные и неизвестные эффекты витамина D». Вопросы современной педиатрии. 2013; 12 (2): 20-5.
  10. Крохина К.Н., Смирнова И.Е., Кучеренко А.Г., Беляева И.А. «Особенности формирования костной ткани у новорожденных детей». Российский педиатрический журнал. 2010; 5: 36-41.16.

**МЕТОДЫ ПРОФИЛАКТИКИ И ПРИМЕНЕНИЯ  
ВИТАМИНА D ПРИ РАХИТЕ У  
НЕДОНОШЕННЫХ ДЕТЕЙ**

Жалилов А.Х., Мустаева Г.Б., Ачилова Ф.А.,  
Восеева Д.Х.

**Резюме.** В статье представлены данные о частоте формирования рахита у недоношенных детей, которая существенно повышена по сравнению с уровнем у доношенных, что обусловлено морфофункциональной незрелостью органов и систем, особенностями адаптации, а также перинатальной и антенатальной патологией. Обсуждаются вопросы о профилактических и лечебных дозах витамина D у недоношенных детей с учетом их индивидуальных особенностей.

**Ключевые слова:** рахит, недоношенные дети, витамин D, остеопения.